

РЕФЕРЕНДУМ ЯНГИ НАМОЙИШЛАР УЙФОТАДИМИ? 2-бем

Экспертлар янги конституция ва Қирғизистонда сайловлар ҳақидаги кодекснинг қабул қилиниши бўйича референдум қаттиқ дейтот шароитида бўлиб ўтишини тахмин қилмоқдалар.

ХАЛҚНИ ДИНИЙ ТУЙҒУЛАР КЎТАРИБ ЧИҚМАЙДИ 4-бем

Эски даврни эслайдиган бўлсак, 1981 йили дадамнинг ҳамдарс биродари Раҳматуллоҳ Аллома автоҳалокат уюштириб ўлдирилган. Бахтли тасодиф билан дадам бу ҳалокатдан қутулиб қолган...

ЎҚИБ НИМА ҲАМ БЎЛАРДИНГ?! 6-бем

Ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан «ўқиб нима бўлардинг» каби сўзларини ҳар куни эшитамиз. Қаранг, «ким бўлардинг» эмас, «нима бўлардинг». Инсонни буюмга ёхуд хайвонга ўхшатаймиз...



• ИҚТИСОДИЁТ

Дарслик муаммоси бедаво дардми?
6-бем



• ДИН ВА ОДАМЛАР

Ҳижобга қарши кураш: АВВАЛ ва ҲОЗИР
7-бем

3-бем

Дунёда барчага бирдек ёқадиган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммага ёқишинг иложи ҳам йўқ. Аллоҳнинг ожиз бандаси эса хатоларсиз яшай олмайди. Элга зиёидан кўра фойдаси кўпроқ тегаётган одам эса бахтлидир.

**ЖАМЛИҚҚА
ЖИЗМЛАТ
ҚИЛМИШ
ҲАҲТИМИ**



МАЗЪМУНИ

Дилшодбек Мўминов:

“Халққа хизмат қилиш ҳаётим мазмуни”

«Сийосат»

Гапираётган одам доимо бир ёқлама гапиради, деган эди бир шоир. Биз ҳам сайлов фасли кириб келатган бир пайтда Амир Темура шаҳарчасига ўз имконияти доирасида кўмак, ёрдам бериш муродида ўш шаҳар кенгаши депутатлигига яна бир бор ўз номзодини кўрсатаётган Дилшодбек Мўминов ҳақида бир ёқлама, фақат эзгулик тарафида туриб гапиришни истардик.

Дилшодбек 2003 йилдан то шу кунга қадар №9 ҳудуд ўш шаҳар кенгаши депутати. У мана шу вақт давомида ўзига ишонган сайловчилари - Амир Темура шаҳарчасининг аҳолиси, эли ва юрти учун қўлидан келганича фаолият олиб борди.

Ундан аввалги даврлар, 1986 йилдан 1991 йилга қадар эса ўш матлубот жамиятининг савдо бўлимида, 1991-1992 йилларда ўш сув қурилиш трестида ҳайдовчилик қилган. 1992 йилдан бошлаб хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлаган. Шаҳарда биринчилардан бўлиб умумий овқатланиш шохобчаларини ташкил қилди. Ҳозирги кунда ҳам миқозларга сифатли хизмат кўрсатаётган “Гулноза” кафесига асос солди.

2002 йилда шаҳарга кўрк қўшиб турган А. Масалиев проспектида жойлашган муҳташам умумий овқатланиш шохобчаси - “Қашқар” кафе-ресторанини барпо қилди.

Дилшодбек Мўминов Қирғизистон тадбиркор-

лар жамиятининг аъзоси. Тадбиркорлар кўриктанловининг бир неча карра совриндори. Тадбиркор сифатида Бирлашган Араб Амириклар, Санкт-Петербург, Хитой, Туркия мамлакатларида амалий учрашуларда бўлиб қайтган. Дилшодбек ҳозирда ҳам ёш ошпазлар, тадбиркорларга устозлик қилади.

Дунёда барчага бирдек ёқаётган инсоннинг ўзи йўқ. Ҳаммага ёқишнинг иложи ҳам йўқ. Аллоҳнинг ожиз бандаси эса хатоларсиз яшай олмайди. Элга зиёнидан кўра фойдаси кўпроқ тегаётган одам эса бахтлидир. Амир Темураликларнинг Дилшодбек Мўминов ҳақидаги фикрларини ўрганаётиб, шунинг гувоҳи бўлдики, депутат қатори ундан кўплар мамнун.

Амир Темура шаҳарчаси оқсоқолларидан бири Ҳасанбой Қосимов ҳам Дилшодбек Мўминовнинг ишларидан рози эканини айтади.

“Дилшодбек укамиз, барча байрамларда келиб, ҳаммамиздан хабар олиб кетади. Бизнинг бирорта ҳам тўй-маракамиз, яхши-ёмон кунларимиз усиз ўтган эмас. Ҳар доим ўз сайловчиларидан хабар олади. Бу укамизга элнинг номидан катта раҳмат айтаман! Бундан ҳам юқори мансабларга эришсин. Дилшодбекдан ҳеч ким хафа эмас”, - дейди Ҳасанбой Қосимов.

Дилшодбек Мўминов 2003 йилда биринчи бор ўш шаҳар Кенгаши депутатлигига ўз номзодини қўйган эди. Халқ унга ишонч билдириб, №9 округдан 1-чиқариқ ўш шаҳар кенгашининг депутати бўлди, шу кунга қадар эса ўзига ишонган, эргашган

халқнинг бир вакили сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У депутатлик корпусида “Ёшлар билан ишлаш ва маориф” кўмитасида фаол ишлар олиб борди. Асосий эътиборни ёшлар тарбияси, соғломлаштириш тадбирлари, мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратди. Ёшлар ўртасида футбол турнирлари, интеллектуал конкурслар ва ҳатто оила, ота-оналар ўртасида кўрик-танловлар ташкил қилиб, уларга ҳомийлик қилди.

“Депутатликнинг биринчи йили давлат бюджетидан маблағларни ажратишга қийналиб, тўғриси, ҳатто судгача бориб келганман. Ёш эдик анча... Бунинг устига ўша пайтлар мэр алмашиб, бюджет масаласида яна қийинчиликлар туғилган. Ҳамма нарса аста-секин дегандек, бир-икки йил ишлаб, ўзимизга яраша тажриба топдик”, - дейди Дилшодбек Мўминов.

Биз Дилшодбек Мўминов билан қўрган суҳбатимизда унга бир қарашда жуда оддий ва содда кўринган саволни бердик. Яъни, “сизнингча депутат дегани ўзи ким”? Бу саволга Дилшодбек Мўминов куйидагича жавоб берганди:

“Депутат сўзининг маъноси вакил бўлади. Депутат элнинг орасидан чиққани учун, у инсон ҳамма жойда ўз мақсадини ўйлаб эмас, ўзига ишонган элнинг дарди билан меҳнат қилиши керак.

Депутатга ойлик йўқ. Жўғурку Кенеш депутатлиги бошқа масала, лекин шаҳар кенгашидаги депутат учун айтарлик, ҳеч қандай имтиёзлар йўқ.

Депутат ўз ҳудудидаги турли муаммоларни кун тартибига олиб чиқади ва давлатга бутун халқ тўлаётган солиқ ҳисобидан муаммоларни ҳал этиш учун маблағ ажратилишига ҳисса қўшади. Бўлинган пуллар ўз мақсадида ишлатилмай, кимнингдир шахсий чўнтагига тушиб кетмаслиги учун ҳам жараёни биз депутатлар назорат қилиб тураемиз. Нима иш олиб борсангиз ҳам элнинг номи билан олиб борасиз.

Биз депутат сифатида ҳар бир инсонни ҳимоя қилишга уринаемиз.

Лекин бугун жуда кўпчилик депутатнинг вазифасини нотўғри тушунадилар. Айтадиларки, бу депутат мен учун нима қилиб қўйди? Ёки, сен депутат бўлсанг бизга нима олиб берасан, нима қилиб берасан? Депутатнинг асосий вазифаларидан бири эса, юқорида айтганимдек, муаммоларни кун тартибига олиб чиқиш, бу муаммонинг ҳал қилиш йўллари кўрсатиб бериш ва бунинг учун маълум миқдордаги маблағни шаҳар бюджетидан ажратилишига эришиб, муаммони ҳал этишдир.

Шаҳар мэри маълум бир муддатдан сўнг шаҳар кенгаши депутатларига ҳисобот беради. Агарда мэрининг ҳисоботидан депутатлар қониқмаса, уни вазифасидан озод қилиши мумкин. Аммо бугунги кунда жуда кўп депутатларимиз мэрияга ёқиш учун, ўз креслосини, қандайдир бизнесини сақлаб қолиш учун ҳам баъзан ҳақиқат қилиб, ундан айланиб ўтадилар. Бироқ бу билан фақат ўз шахримизга,



элимизга зиён етказилади холос. Биз бунинг учун ҳис қилиб, эл манфаатини, шахсий манфаатларимиздан устун қўйишимиз керак”.

Дилшодбек Мўминовни кўплар саховатли тадбиркор сифатида ҳам яхши билади.

“Дилшодбек Мўминов мана мактабларимизга, фарзандларимизга ёрдамлар бераёпти, берган ҳам! Бу бола шунақанги олийжаноб болаки, кам таъминланган оилаларга ҳам қўлидан келганча ёрдамни бераёпти. Мен ўйлайманки, Дилшодбек укамиздек йигитлар ўшда кўпайса, ўшимиз, Қирғизистонимиз гуллаб яшайди. Шундай саховатли яхши депутатлар кўпаяверсин. Дилшодбек биз Амир Темураликларга ўз яхшиликларини кўрсатган. Яна умид қилаемизки, бундан кейин ҳам кўрсатади”. - дейди Амир Темура шаҳарчасида яшовчи Асалхон Ўринбоева.

У шу кунга қадар ўз округидаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг 23 нафарини йил давомида бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаб, жами 478 минг 170 сўмлик сарф-ҳаражат қилди. Амир Темура шаҳарчасидаги базча мактабларга 120 минг сўмлик аудио-видео ва компьютер жиҳозлари олиб берди, мактабларнинг инфраструктурасини яхшилаш борасида амалий ёрдамлар кўрсатмоқда.

Шунингдек округдаги ногирон оилаларга моддий ёрдам бериш билан бирга, уларга учта ногиронлар аравачасини совға сифатида топширди. Маҳаллаларни газлаштиришда 500 минг сўмлик, ичимлик суви билан таъминлашда 475 сўмлик сарф-ҳаражатлар қилди.

Аммо, унинг ўзи бу ишларни ҳар бир имкони бор одам амалга ошириши керак бўлган савобли ишлар деб билади. ■



ЯНА САЙЛОВ, ЯНА СИЙЛОВ

Қирғизистонда сайловлар адолатли ўтишига ишонасизми?

Яна сайловлар фаслига кириб келдик. 7-октябрь куни шаҳар кенгаши депутатлиги учун сайловлар бўлиб ўтади. Сайлов ташвиқотлари авжига чиққан айни пайтда сайловчиларнинг бу ҳақдаги муносабатларини билиш мақсадида, айрим ҳамшаҳарларимизга “Сиз сайловлар адолатли ўтишига ишонасизми?”, “Депутатларнинг ваъдаларига ишонасизми?” каби саволлар билан мурожаат қилдик.

Жаҳонгир Абдувоситов, божхона ходими:

“Менинг фикримча, депутатлар озми-кўпми иш олиб бормоқдалар, сайловларда ҳам асли олиб қаралса, пули борнинг қўли устун келади. Сайловчилар айтишяптики, ким пул берса шуни сайлаймиз деб. Бу деган нима ўзи?! Ўша номзоддан оладиган 500 сўм пул билан ўз ватанининг келажигига болта уришяпти-ку! Улар берган пул бир марта маза қилиб овқатлангани етмайди. Ўша пул учун эмас, виждон,

ватан учун, болаларингизни келажиги учун сайланг. Ишлайман деган юрагида ўти борларини сайлаш керак. Мен аниқ айтаман, сайловлар адолатли ўтмаяпти”.

Исроилжон Бердиев, ташвиқотчи:

“Асосийси ҳозир 8-округдан 14 депутат қўйибди. Қоғозларини кўчаларга ёпиштириб юрибмиз. Мен ўйлайманки, адолатли бўлиши керак, бироқ ёш номзодлар яхши, иқтисод томонидан билими бор ёшлардан сайланса яхши бўларди. Шаҳарнинг кел-

лажаги, бюджети ҳам анча кўтарилиб, ривожланиб қолар эди-да. Мана бу савдогар, бизнесмен йигитларимиз бор, тушунадими тушунмайди, уни мен айтолмайман, шулар депутат бўлиб қолишяпти. Ундан кейин пул билан сотиб олар экан деган сўзлар бўлаяпти”.

Жамшидбек Қодиров, шофёр:

“Ўзингиз бир ўйланг, номзодлар депутат бўлиш учун шунча пул сарфлашади. Ҳозир ўз оиласидан базур отасига минг сўм пул беради-

ган пайтда, депутатлар (номзодлар) юз минглаб пулларни сарфлашади. Ана энди ўзингиз ўйланг, сайловдан ўтиш учун жонларини ҳам беришга тайёр турган номзодлар, сайловда адолат билан ҳаракат қила оладиларми?! Қирғизистонда мен гувоҳи бўлмаганман адолатли сайловлар ўтганини. Қайсики, нимагаки сайлов бўлмасин, албатта у ерда мана шундай пулларни кўкка совиришади. Кейин қандай адолатли сайлов бўлади. Нима қилиб бўлса ҳам ўтиш-ку, уларнинг мақсади”.

ҮЙЎҒУЛАР ДИ

бун дунёда, Ислому оламида ўз ўрнига эга бўлган, буни дўсти ҳам, душмани ҳам тан олишга мажбур инсон.

Иккинчи томони, Абдували қори диний, ИсломиЙ йўналишда қайси йўлда бўлган? Ўзи ошкор эълон қилган – “Мен Аҳли Сунна вал Жамоа эътиқодининг Ҳанафий мазҳаби йўналишидаман” деб. Бу одамни кўпчилик, ҳукуматнинг таъбири билан айтганда, “ваҳҳобийларнинг отаси” деб билади. Нима учун бу кишига бундай ном қўйилган? Энг катта сабаблардан бири, Абдували қори ўзининг диний фаолиятини олиб борган вақтда ҳеч кимга умуман диндан тирриклилик мақсадида фойдаланишга йўл бермаган. Ҳукумат идораларига, ҳукумат ходимларига диндан ўз ёвуз сиёсатларини оқлаш мақсадида фойдаланишга йўл бермаган. Мисол учун, бошқа масжидлардаги каби, Ўзбекистон ҳукуматининг олиб борётган сиёсати, президент фармонларининг ҳаётга аҳамиятлилиги ҳақида бўлган маърузалар масжидда ўқилишига йўл қўймаган. “Бизнинг давлатимизда дин давлатдан ажратилган. Демак, давлат сиёсатини масжидга киритмаслик бизнинг ҳаққимиз. Бу ерда фақат Аллоҳнинг сиёсати, Аллоҳнинг сўзи айтилади, дунёвий сиёсат ҳақида гап юритилмайди”, деб йўл қўймаган. Табиийки, бу нарса давлат арбобларига ёқмаган, чунки улар ўзларининг нуфузларини Андижон жомеъ масжидида тиклаш ҳаракатида жуда кўп уринишган, аммо, бунга ўзларининг қонунларидан жавоб олишган.

Абдували қорининг диндан тирриклилик мақсадида фойдаланишга йўл бермагани замондош имомларга ҳам ёқмаган. Чунки, жаноза ўқиганда пул олмаслиги, никоҳ ўқигани учун пул олмаслиги, бу нарсалар Ислому холис қилинадиган амаллар эканини тушуна бошлагандан кейин одамларнинг кўз ўнгига дин уламолари ҳам иккига бўлина бошлаган. Уламолар диний қарашларда содиқ турган ва диний қарашларни пуллайдиган тоифага бўлинган. Мана шу иккинчи тоифага мансуб - диндан тирриклилик сифатида фойдаланадиган “имомлар” Абдували қорига “ваҳҳобий” тамғасини босишган.

Андижондаги Абдували қорининг имом бўлган жомеъ масжиди ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу масжид 1989 йилдан 1995 йилнинг охиригача кунига қадар фаолият олиб борди. Шу вақт мобайнида жуда кўп хулқий-ахлоқий жиҳатдан бузуқ кишилар бу масжидда тарбия топди. Одамларнинг ҳаққини ўғирлаб, ўғирлик билан кун кўрган, безори бўлган, киссовур, ҳар хил ўтмиши қоронғу кимсалар шу масжидга келиб, бу ерда шариятни, Ислому динини, Аллоҳнинг сўзини, пайғамбарнинг ҳадисларини эшитиб, ўрганиб, таъсирланиб, Ҳақ йўлига кирган. Масжид фаолияти даврида жамият ичида хулқий-

ахлоқий, маънавий ислохот олиб борилган. Буни ҳар қандай инсофли одам тасдиқлайди.

– **Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати етакчиси Тоҳир Йўлдошев ўз чиқишларида Абдували қори, Обидхон қориларни устозлари сифатида таърифлаган. Сиз бунга қандай қарайсиз?**

– Абдували қорини кимдир устоз деб айтса, бунга Абдували қори жавобгар эмас. Чунки, бир одам ўзидан кўра динда пешқадам илмий кишини устоз деб айтиши албатта, шу одам уни ўқитгани билдирмайди. Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати раҳнаомлари, маълум бир аъзолари ўша масжидда ибодат қилган бўлиши мумкин. Иккинчидан, устоз шогирдлар учун жавобгар эмас. Учунчидан, Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати 1995 йилга қадар қаерлардадир фаолият юритган бўлсада, унгача Ўзбекистонга нисбатан очиқ-ошқора ўзининг ҳужумкор сиёсатини қаратган эмас. Чунки, бунга Абдували қорига ўхшаган етук олимлар йўл бермаган. Абдували қори имомлик қилиб юрган вақтида масжидда рўй берган ишларга, масжидда айтилган сўзларга албатта, ўзи жавоб беради. Лекин, у кишидан кейин бўлган ҳаракатлар, сўзларга у киши жавобгар эмас. Шу жумладан, Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати ҳам. Лекин, кимдир қаердадир у кишини “бизнинг устозимиз” деб гапирса, буни ҳурмат нуқтаи назаридан деб тушуниш керак.

– **Дадангиз Тоҳир Йўлдош билан шахсан таниш бўлганми, учрашганми?**

– Абдували қори Тоҳир Йўлдош билан таниш бўлиши мумкин. Сабаби, 1991 йилнинг декабрь ойида Наманган шаҳрида Ўзбекистон республикаси президенти ўта ноқулай шароитга тушиб, ўша даврдаги “Адолат” халқ ҳаракати томонидан эгаллаб олинган бино ичида халқ қуршовида қолганда, айнан Абдували қори бориб халқни тинчитган. Бу хатти-ҳаракатлар Ислому тўла мувофиқ эмаслигини, ИсломиЙ манфаатларга путур етказишини тушунтириб, ўша машҳур Тоҳир Йўлдошга ҳам бу нарсани ўқитиб, президентни тинчлик билан ажратиб олиб чиққан. Олдинда президентлик сайловлари кутилаётган эди.

Бу воқеага собиқ муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф келган. Дадамдан бошқа ҳамма келиб, тинчита олмаган. Дадам машинада келиб, бир хонадонга тушганда у ерда Исмоил Жўрабеков, Зокир Алматов, ўша вақтдаги МХХ бошлиғи Алиев каби ўттизтача давлат арбоблари бўлган. У ерга Тоҳир ҳам ўнтача одам билан келган. Дадам кириб Тоҳирга, “сиз бу ишни кимдан рухсат олиб, кимнинг рухсати билан бошлагингиз?”, деб сўраганда Тоҳир индамаган. “Бу қилаётган ишингиз шариятга, мусулмонларга зиён иш, тезда тарқалинлар” деган.



Алматов ва Жўрабековдан “шу ишда иштирок этган бирорта одам жинойи жавобгарликка тортилмайди” мазмунда ёзма тилхат ёздириб олган.

Шундан кейин Тоҳир Йўлдош чиқиб, “бу қилган ишимиз олимларимиз билан бемасалаҳат бўлган экан, бу ишни тўхтатамиз” деб айтган. Бунга неча кунлаб овора бўлишган, Тоҳир ҳеч кимнинг гапини олмаган. Шунда президент Ислому Каримов “нима учун бу одам битта гапи билан тарқатиб юборди, эртага нимага битта сўзи билан чақиролмайди?” дея ўзи учун хулоса чиқариб олган.

Аслида манбалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон раҳбарияти Абдували қорининг келишини илтимос қилган. Аммо Абдували қори ҳукумат илтимосига биноан эмас, балки, халқ манфаати учун, яъни бормаса, ноҳақ қон тўкилиши, одамлар қурбон бўлишининг олдини олиш диний манфаатларни кўзлаб борган. Бу Абдували қорининг халқ ўртасидаги обрўсидан, иккинчидан, тинчликпарвар инсон сифатида фаолият юритганидан далолатдир.

Шунга ўхшаш жойларда Тоҳир Йўлдош билан юзма-юз кўришган бўлиши мумкин. Бу фақат Ўзбекистон давлати ҳудуди ичида бўлган бўлиши мумкин. Чунки, у киши имом, ҳамма ўзининг дарди, талаби, истагини айтиб келадиган киши бўлган. Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати ва бошқа ҳаракатларга Абдували қорининг алоқаси бўлган эмас. У нафақат Тоҳир Йўлдошни, айтиб ўтганимиздек, давлат ходимларини, расмий имомлардан тортиб оддий халқни, умуман ҳаммани қабул қилган.

– **Минтақада ўтган 15 йил давомида турли диний гуруҳларга нисбатан расмийлар юритган таъқиб ва таъқиқлар гўё авж олаётган диний экстремизми жиловлашда қутилган самарани бермади. Сизнингча, бунинг сабаби нимада?**

– Ўзбекистон ҳукумати Абдували қорини ўғирлаб кетгандан кейин Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати рақобат қила оладиган куч қолмади. Шундан кейин Ўзбекистонда нафақат Ўзбекистон ИсломиЙ Ҳаракати, балки, “Ҳизб-ут-Таҳрир”, “Акромия” ва ҳ. к. оқимлар кескин суръатда ривожлана бошлади. Мисол учун, одамлар “Ҳизб-ут-Таҳрир” ташвиқот қилса келиб, Абдували қоридан сўраган – “бизни фалон оқим даъват қилляпти, қандай муносабат билдиришимиз керак?” деб. У киши “бу оқим мана бундай оқим, унинг тўғри томонлари мана бу, мана бу томонлари эса нотўғри, демак бизга тўғри келмайди”, деб жавоб бера олган ва энг муҳими халқ бу жавобдан қониққан. Ҳозир ҳам Ўзбекистон расмий имомлари “Ҳизб-ут-Таҳрир” ҳақида ёки бошқа оқимлар ҳақида фикрларни баён қилади. Аммо, уларни халқ қабул қилмайди, чунки улар халқ ўртасида шухратга эга бўлмаган одамлардир. Шу нуқтаи назардан у киши-

ни бундай ҳаракатларга алоқадор дейиш нафақат ақлан, мантиқан нотўғри, чунки, бу ҳаракатлар ривож бу кишидан кейин бошланди. Бу кишини йўқотиш оқибатида бошланди, десак тўғрироқ бўлади.

Аслида Абдували қорига ўхшаган, халқ орасида ўзининг сўзига эга бўлган машҳур кишилар бундай нотўғри оқим ва ҳаракатларининг ривожланишига йўл бермаган эди. У киши ўғирлангандан кейин, умумий ИсломиЙ тўғри таълимот йўқотилгандан кейин, одамларнинг динда адашиши бошланди. Давлатнинг ўзи шундай бўлишини хоҳлаган ва буни ўзи юштирган.

Ўзбекистон ҳукумати учун шундай ҳаракат ва оқимлар керак эди аслида. Ўзининг ёвуз сиёсатини Ҳарб давлатлари олдида оқлаш учун шундай ҳаракатларни пайдо қилиш керак эди. Чунки, Ҳарбдан бўлаётган танқидларнинг оқлаш учун, “бизда мана бундай ҳаракатлар пайдо бўлган, буларга агар мен тегмасам, булар кейинчалик Европага ҳам кириб боради, чегара бу ер, мен билан тўхтамайди, сизларга ҳам боради”, деган фикрни кўндаланг қилиб қўйиш учун керак эди. Аввал буни пайдо қилиш учун Абдували қорига ўхшаган шахслар, уларнинг халқ орасидаги обрўлари йўл бермаган.

– **90-йилларда ИсломиЙ олимлар минтақада оммани сафарбар қилиш салоҳиятига эга бўлган. Уламоларда ҳозир ҳам бу салоҳият борми?**

– Ҳозир Ўзбекистонда халқни кўчага олиб чиқадиغان омил бу - иқтисодий ҳолат. Ўзбекистондаги иқтисодий ҳолатни инсон фараз қила олмайди. Одамлар Африка мамлакатлари, қашшоқ мамлакатлардаги вазиятни бевосита оммавий ахборот воситаларида кўрсатилгани учун фараз қилиши мумкин. Лекин, Ўзбекистондаги баъзи ҳолатлар Африканинч ночор давлатларидан қолишмайди. Бу халқни кўчага бошлаб чиқиши мумкин бўлган биринчи омил. Иккинчи омил, ҳозирги Ўзбекистонда ўта чегарадан чиқиб кетган раҳбариятнинг зулми. Чунки, ҳар қайси жойда маҳаллий раҳбар ўзини хондек сезади. Бу нарса халқни етарли даражада аламга тўлдириб борди. Диний омилга келадиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ичида халқни оёққа тургаза оладиган шахс, менин назаримда йўқ. Балки бир вақтлар, қачондир бўлгандир. Лекин, ўша бўлган кишилар, мисол учун, Абдували қорига ўхшаган одамлар бу нарсани қилиши мумкин бўлганда ҳам қилмаган. Балки, бунинг аксини, халқни тарқатиш, тинчлантиришга ҳаракат қилган. Шунинг учун халқни диний туйғулар кўтариб чиқмайди. Диний пешво бўлса, бўлиши мумкин. Лекин, унга ҳали етиб бориш керак. Диндан бошқа иқтисодий, сиёсий омиллар бартараф бўлса, балки диний сафарбарлик бошланиши мумкин. ■

Markaziy Osiyo Yangiliklar ma'lumotnomasi

NBCA

Марказий Осиё Хабарлар Маълумотномаси (NBCA) минтақадаги шарҳловчиларнинг кенг доирадаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа жабҳалардаги таҳлилларини ҳавола қилади.

Турфа мавзудаги мақолалар билан танишиш учун www.nbccentralasia.net веб сайтыга кириңг.

minotaqa xabarlarini yangi nuqtayli nazarlar

“Ўқиб нима ҳам бўлардинг?!”

Ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан «ўқиб нима бўлардинг» каби сўзларини ҳар куни эшитамиз. Қаранг, «ким бўлардинг» эмас, «нима бўлардинг». Инсонни буюмга ёхуд ҳайвонга ўхшатаймиз.

■ Али МУРТАЗО

“Сиёсат”

Хозирги пайтда ўзбек мактабларининг юқори, ўрта, айрим вақтларда эса, ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам мактабга турли сабаблар билан қатнамай қўймоқдалар. Баъзи ўқувчилар эса ҳафтанинг маълум кунлари, йилнинг айрим ойларидоғина мактабга келмоқдалар. Бунинг сабаби болаларнинг ота-оналар томонидан турли рўзгор ишларига жалб қилиниши, бирор хунарга ўрганиши ёки тирикчилик йўлида меҳнат қилишга ундаётганидир. Тўғри, йигит кишига қирқ хунарга ҳам оз, ёшликда хунарга ўрганиш керак, лекин ўқишчи? Ҳамма нарсанинг калити илм ва билимда эмасми? Тирикчилик қўйига тушган, қўли беш-ўн сўм кўрган бола энди мактаб партасида хотиржам ўтиролмайдими, ўқитувчининг сўзлари қулоғига кирмайдими, тезроқ мактабдан чиқиб пул топишни ўйлайди.

Шу ўринда баъзи ота-оналарнинг уялмасдан «Ҳа, ўғлимиз бизни боқайпти», «Вой, у ишламаса қандоқ рўзгор тебратамиз» деган гапларини эшитиб қоламиз. Водариг, қачондан бери бизнинг ўзбек оилаларининг рўзгорини тебратиш балоғат ёшига етмаган мурғак қалблар гарданига тушди? Ахир мусулмончиликда у хоҳ ўғил бола, хоҳ қиз бола бўлсин, уни вояга етказиб оёққа тургазиш ота-онанинг вазифаси, бурчи ва фарзи эмасми? Шу гапларни айтаётган ота-оналарга доно халқимизнинг қуйидаги сўзларини келтирмоқчиман: «ўнта бола боқа олмас битта отани, битта ота боқа олар юзта болани».

Мактабда ўқимаган қиз бола эса, жамиятга

«ўқиб нима бўладиган» бола туғиб ўстирадиган, турмуш ўртоғи ва болаларини овқатини пишириб, кирини ювадиган бир машина қаторида бўлади. Бу эса, «ўқимаса НИМА бўлишдиқир». Бундай аёллар жамиятнинг меҳнатга лаёқатли фаол қисмига ҳам тааллуқли эмасдир.

«Хўп, майли фарзандимиз ўқисин дейлик, лекин ўқишнинг мазаси йўқ-да» дерсиз. Тўғри, мактабларда дарсликлар, ўқув ва кўргазмалар куруллар етишмайди, кўп мактаблар кейинги йиллар давомида ҳашар усули билан стандартларга жавоб бермайдиган ҳолатларда қурилмоқда. Педагог кадрларимизнинг орасида олий ўқув юртлари тайёрлаган «даста-даста» малакаси ўқитувчиларимиз ҳам бор. Лекин сифатли таълимни сиз, ота-оналар талаб қилинг, сиз бунга ҳақлисиз. Мактабдан, ҳукуматдан талаб қилинг. Кўпнинг сўзи ерда қолмайди. Талаб қилинг, ўз фарзандларингиздан талаб қилинг, уларни назорат қилинг, дарс тайёрлашига шароит яратинг. Уларни ўқиши билан қизиқинг, кунда беш дақиқа вақтингизни бериб кундалигини ва дафтарларини текширинг, нималар ўқиганини суриштиринг. Шунда мактабга бордим деб кўчада юрган фарзанд ота-онасини алдаёлмайди. Лекин афсус, биз камдан-кам ҳоллардагина шундай қиламиз.

Мактабда фарзандимиз бирор ноҳўя иш қилиб ёки ўзининг ўқувчилик бурчини бажармай, дарс тайёрламай, дарсга қатнашмай ўқитувчидан дакки эшитгандагина мактабга югуриб бориб ўқитувчи билан ёқалашамиз. Лекин бирор марта ўзимиз чакирмаса ҳам мактабга келиб, фарзандимизнинг ўқиши билан қизиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимизни айтиб, тақлиф-истакларимизни билдирмаймиз.

Биринчи синфга борганда бошимиз осмонга етиб, бўйнимизга фотоаппарат осиб, видеокамерани ёллаб, машиналарга ўтиргизиб мактабга олиб келамиз. Туғилган кунларида торт, ичимлик сувлар, қанд-қурс олиб келамиз. Байрамларда эса фарзандларимизнинг «чаепитъ»ларига харажат қилиб берамиз. Битирув кечаларига эса атайин либослар тиктириб, ҳашаматли ресторанларда тон-готар базм қилиб берамиз. Қани айтингчи, қачон фарзандингизга биронта бадиий китоб сотиб олиб бердингиз?! Расмий журналлар олиб бердингиз? Дарсхонанга осиб қўй деб жўғрофий карталар, «ўқиб, дунё қарашингни кенгайтир» деб илмий-оммабоп нашрлар олиб бердикми? Буларни ҳам қўйиб турайлик, мавжуд дарслик китобларни ҳам вақтида олиб бермаймиз-ку!

Ҳа, тўққизинчи синфни тамомлагандан сўнг кўплаб ўзбек болалари 10-11 синфларга келмай қўймоқдалар. Мактаблар маъмуриятида ҳам бу

ишга рағбат бордай, чунки давомат паст, аранг «уч»га ўқиган ўқувчини 9-синфни бир амаллаб тугаттириб, «паттасини» қўлга бериш ўнғайроққа ўхшаб қолди. Лекин шу тўлиқсиз ўрта таълимни ҳам олмайётган ўғил-қизлар қанча? Улар балоғат ёшига етиб паспорт олиш, ўғил болалар ҳарбий рўйхатга туриш вақти келганда бирдан боғи ота-оналар мактабга қараб югурадилар, «документ қилиб беринг», «битиртириб беринг», «характеристика ёзиб беринг»...

Оталаримизнинг айтишларича, ўша, қийинчилик уруш давларида ҳам мактаблар ёпилмаган, ўқувчилар қозон қорақуяларидан сиёҳ тайёрлаб, газета ёзувлари ораларига ёзган эканлар. Ўқитувчилар талаб қилишган, ота-оналар эса назорат қилишган экан.

Қўйинг, кейин хижолат бўлмайдик, фарзандларимизни ўқитайлик, токи келажақда уларни олдида гуноҳкор бўлмайлик. ■



ўқитувчилари 7-8-9 синфлар учун ўзбек тили дарсларини Ўзбекистонда чиқарилган дарсликларга таянган ҳолда дарс ўтмоқдалар.

Ушбу мактаб маъмурияти бу муаммодан чиқиш учун кам сонли дарсликлардан ксерокопия-нуска кўчиртириб, ўқувчиларни дарслик билан таъминламоқдалар. Нуска кўчирилган китоблар мактаб ўқувчиларига 20-30 сўмдан ижарага берилмоқда.

“Бир амаллаб дарсликлар аҳволи яхшилангунга қадар жон сақлаялмиз. Ота-оналар билан суҳбатлашиб, мана шундай оз қолган китоблардан нуска кўчиртириб, ўқувчиларимизга ижарага бераймиз. Ижара ҳақи мажбурий эмас, берганлари бор, бермаганлари бор. Биз мана шундай ишлар билан мактабимиз кутубхонасини бойитаялмизда!” – дейди Муҳаббатхон Носирова.

Шаҳардаги Федченко номли ўрта мактаб директори Содиқжон Исмоилов муаммо бошланғич синфлари учун ҳал бўлаётган дейди. Унинг фикрича, Қирғизистон тарихи, Қирғизистон географияси фанлари учун дарслик қўлланмалари мактаб ўқувчилари учун етарли. Лекин мактаб директорига кўра, қирғиз тили фанини ўқитиш учун китоблар етишмайди, бошланғич синфлар эса дарсликлар билан 70-80 фоиз таъминланган, холос.

“Мактабимизда дарсликлар муаммоси жуда долзарб, лекин ҳозирда озми-кўпми яхшиланиб қолди (жуда ҳам яхши деб айта олмаман). Кўпчилик дарсликлар эски, совет даврида чиққан китоблар. Ўзбек тили китоблари оз, шунга қарамасдан нима қилиб бўлса-да ўқувчиларга дарс ўтаялмиз”, – дейди мактаб директори Содиқжон Исмоилов.

Ўшдаги 15-сон Тельман номли ўрта мактаб директори Хадича Шаропованинг айтишича, ҳозирда ўзбек мактабларида ўзбек тилидаги китоблар

етишмайди. 10-11 синфлар учун Қирғиз-Ўзбек Университети томонидан чиқарилган дарсликлардан фойдаланиб дарс ўтилмоқда. Мактабнинг кутубхонасидаги дарсликларнинг айримлари эскириб ёки оз сонли қолган. Рус тили, қирғиз тили, география, чизмачилик, одобнома дарсликлари етишмайди. Одобнома предмети учун бирорта ҳам дарслик йўқ.

“Бизда, масалан, нафақат бизда, бошқа мактабларда ҳам бор бу муаммо, 8-9 синфларимиз учун дарсликларни Ўзбекистондан оламиз. Ўзбекистонликларга ялиниб олиб келтирамиз. 10-11 синфларимиз эса Қирғиз-Ўзбек Университети қошида тайёрланган дарсликлар билан таъминланган. Лекин қолган синфлар дарсликларининг ҳозирги кундаги аҳволи жуда ҳам ёмон, эскириб кетган”.

Ўш шаҳридаги баъзи мактабларда дарсликлар муаммоси ўз ечимини топан. Тўқтагул номли ўрта мактабда бу муаммо ҳал қилинган экан. Мактаб директори Марҳабхон Абдурахмонованинг фикрича, улар шаҳар билим бериш бошқармасидан 1000 АҚШ долларига дарсликлар олишган.

“Мактабимиз 1000 АҚШ долларига китоблар олиб, дарсликлар муаммосини ҳал бўлди. Ҳозирда ҳаммаси яхши”, – деб билдиради Марҳабхон Абдурахмонова.

Шаҳримиздаги ўрта мактаб ўқитувчилари дарсликлар муаммоларини ечиш учун Қирғизистон ҳукумати томонидан маблағ ажратилиши лозимлигини таъкидламоқдалар. Лекин бу маблағ қачон ажратилиши номаълум. Мактаб кутубхоналарида эса “партиявий”, яъни собиқ совет давридан қолиб кетган китоблар, агар улар ҳам бор бўлса, қолган. Бу китоблар бугун ҳаётда ҳеч қандай рол ўйнамайди. ■

Дарслик муаммоси давомий оғриқми?

Қирғизистондаги ўзбек мактабларида дарсликлар муаммоси, яъни уларнинг етишмаслиги, борининг эса эскириб кетгани онанинг бод касалига ўхшаб куз келиши билан долзарб бўлиб қолади. Жазирама ёз кетиб, куз яқинлаша бошлаши билан онам касалидан нолий бошлайди. Аммо бу вақтгача турли даволарни синаб кўриб ҳафсала пир бўлганидан, касалига даво борлигига ишонмай ҳам қўйган. Кўп ҳолларда эса бу касаллик онамнинг ёдидан ҳам кўтарилиб кетади. Гўёки бу оғриқ табиий, бусиз яшаб бўлмайдигандек.

■ “Сиёсат”

Мактаб кутубхоналарини кузатсангиз, у ерда собиқ совет замонида чиқарилган ёшини яшаб бўлган дарсликларни, бир томонда эса, Қирғизистоннинг ўзида нашр этилган, янги, аммо сифатсиз оз сонли дарсликларни қўришингиз мумкин.

Синф хонасига дарсликларсиз кириб келаётган ўқувчилар эса, жанг қуролсиз отланаётган жангчиларни эслатади.

Иш қуроли соз бўлмаган ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам меҳнат самараси табиийки, паст даражада бўлади.

Аслида муаммо бўлган дарсликлар масаласи

Ўзбекистон кириллицадан воз кечиб, лотин графикасига ўтгач, янада чигаллашиб кетди.

Бугунги кунда мактаб ўқитувчилари ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш учун оз сонли китобларни нуска кўчиртириб, ўқувчиларга дарс ўтмоқдалар.

Ўш шаҳридаги 70-йиллик мактабининг директори Муҳаббатхон Носированинг фикрича, дарсликлар муаммоси ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳволи жуда ҳам ёмон. Унинг фикрича, 5-6 синфлар учун чиқарилган дарсликлар, хатоларга тўлиб чиққан. Иложи йўқлигидан ўқувчиларга ўша дарсликлардан фойдаланиб таълим берилмоқда. 7-8-9 синфлар учун ўзбек тили дарслиги умуман йўқ деса ҳам бўлаверди. Ҳозирда бу мактаб

Депутатларнинг ваъдаларига қандай қарайсиз?

Одамларнинг оғтида “сайлов пайтида озгина беш - ўн сўм пул ишлаб қолмасак, сайловдан кейин буларнинг бир сўмлик фойдаси тегмайди” деган фикр сингиб қолган. Чунки бунинг сабаби бор, ўша айрим депутатлар сайлов пайтида қатта-қатта ваъдаларни беради-да, ўтиб олгандан сўнг бажара олмайди, вақти етмайди. Балки пули етмасдир. Буни тушуниш керак. Ўша депутатларнинг обрўсини тушираётган нарсаяларнинг ваъдабозлиқларидир.



Тоҳиржон Комилгов, хайдовчи:
– Мен ишонмайман, катта-катта ваъдаларни беришадди-да, ўтиб олгандан сўнг қочишади. Тўғри, уларнинг қиладиган ишлари кўнаиб кетса керак-да, лекин мени ўйлантирадигани - сайловларда одамлар ноз минглаб пулни сочиб юборишади, демак кетган пулни оқлайди-да.

Жамшидбек Қодиров, хайдовчи:
– Бу депутатлар алдаберишади. Сайланиб олгунларига қадар, оғзаларини гупуртириб гапиришавереди. Лекин айтган ишлари, берган ваъдалари бирортаси ҳам ўтмайди.

амалга ошмайди. Баъзи-баъзида хўжа кўрсинга амалга ошириб қўйишади. Мен улар берган ваъдала умуман ишонмайман.

Мухиддин Абдураулов, савдогар:
– Йўқ, ишонмайман, сабаби, депутатлик фақат пули борларига ўз номзодларини қўйиши мумкин. Халқим учун, юртим учун деб ишлайдиган одамлар ўзи бормикин, Хуллас, сайловлар адолатли ўлмаган, ўтмайди ҳам. Қирғизистонда коррупция йўқолмагунча, сайловлар адолатли ўтмайди.

“Озодлик” ни
Тошкент вақти билан

Кичка тўлиқинларда:

13110 КТД (25 мВт)
15120 КТД (19 мВт)
15145 КТД (19 мВт)

Бадан 9г вақт:

13110 КТД (25 мВт)
15145 КТД (19 мВт)
17770 КТД (19 мВт)

18дан 20г вақт:

11715 КТД (25 мВт)
13715 КТД (22 мВт)
15145 КТД (19 мВт)

21дан 22г вақт:

7555 КТД (41 мВт)
9595 КТД (31 мВт)
12150 КТД (25 мВт)

Тошкент вақти билан

1дан 19г вақт:

1296 КТД – Урта тўлиқинда:

18:30дан 19:00гача ва 21:30дан 22:00гача

Ушба тўлиқин:

“Озодлик” ни
Хар кучин

Тошкент вақти билан

7дан 9г вақт

Хамда

19дан 22г вақт

сунъий индулош орқали телевизордан тинглаш мумкин.

НоИдд ав АдаSat, да:

13 Degrees East

POLARIZATION: Vertical

FREQ.: 12 226 GHz

FEC: s

SIMBOL RATE: 27.50 MS/s

VIDEO & FOR PID: 1H-1-8-4260

DATA RATE: 192 Kbps

ENCODING: MPEG2

www.ozodlik.org

uzbek@telnet.org

“Озодлик” – Янги Кундан Дарақ I

Қурилиш моллари бозори

Темир маҳсулотлари:
КУВУР, БУРЧАК, ЛИСТ, ТУНЖА, ПРОФИЛ, АРМАТУРА ...

Ёғоч маҳсулотлари:
ДСП-ДВП, МДФ, Ламинат, Фанера, турли ёғочлар...

Пардозлаш маҳсулотлари: Лок бўёқлари, растворлар, агифа, шпатлёвка ва бошқалар...

Шунингдек:
Шифер, цеммент, ойна, карбид, миҳ, асбест қувурлари...

Яна бир имкониёт:
Арралаш хизмати, бюнортмага мебель ва черепица!!!

Ўш шаҳри, М. Ортиқов кўчаси, 36.
Мўлжал: ЎшРЭС.
Тел./факс: (+99663222)21221,20053
E-mail: suleuman-ata@mail.ru

Сулэйман Ата
билан сифатли уй-жой қурунг!!!

Соцларини яширишга уларнинг нима ҳаққи бор?

Мен узок ўйладим ва қизлар ҳар қанча худудан кўрқадиган бўлишмасин мактабга, университетларга хижоб билан бормаслиқлари керак деган фикрга келдим. Агар менда ҳуқуқ бўлганда қуйидагилдек қарорлар чиқарган бўлардим.

■ Рангин ҒАМГИН

“Сидеат”

Қарор №1 – Таяллим муассасаларида Олпоҳдан кўриб, унинг амрини бажара-ётганлар рўйхати тузилсин ва улар билан тушунтириш ишлари олиб борилсин.

Қарор №2 – Мактаб, университетлардаги муслима қизларнинг ўз авратларини ёпиб юришларига қарши тадбирлар ўтказилсин ва ярим яланғоч юрۇвчи Даврининг олди қизларига давлат стипендияси тавсис этилсин.

Қарор №3 – 13 ёшдан юқори бўлган хижобли қизларни ўз гўзаллиқларини яширғаниқлари, бегона эркекларни бу гўзаллиқлардан хўзурлениш ҳуқуқидан қасдан маҳрум қилғаниқлари бис жазо тайинлансин.

Қарор №4 – Хижоб билан соцлари, бўйинлари, кўрақларини тўсиб олган, бунинг устига беш маҳал намоз қилувчи ўкувчи ва талаба қизлар минн юбка кийиб, ботларини очиб юрган дугоналари ҳамда ўқитувчиларини хижолат қилиб (тўки бу хижоббилар художўй ва хақкийи муслима, қолган очик ўқитувчилар эса худдонинг “аёлларингизга айтинг, соцларини ва кўрақларини рўмон билан тўсишлари” маъносига айтган каломини қилмаётган гўноҳкорлардек) юрганлари учун, бошқалар



ҳам уларга эргашмай туриб, тезлиқда ногўғри йўлдан қайтарилсин.

Бу ишлар зейли ва зейсизларга топширилсин.
Ўйлайманки, шундагина жамиятда тинчлик ва фаровонлик бўлар эди. Барча аёллар қатта юбкада, гўзал соцларини реқламадаги шампун билан ювиб, бошлимиз-ни айланттириб юради. Ҳеч қим хижобда уларнинг олдида қийиб, худонинг амрини эслатиб, хижолат қилмас эди. Бунинг устига Ғарбдаги айрим гуруҳлар бундан анча шод бўлишиб, бизга кўлгина “хўроққанд”лар бердишарди. ■

АТАНЧИ

ширкатаги хусусий шахс ва тадбиркорлардан ёнғоқ мағзи биркорлардан ёнғоқ мағзи (икки палпа), бодом мағзи, қора май-из, асал ва ипак сотиб олади.

Мурожаат учун

0555 800 666

телефонига кўнглироқ қилишингиз мумкин

siyosat

Борчанинг интизи

Бш муҳаррир:
Чингиз МИРЗО

Муассас:
«Баллеи Медиа Групп» МЧЖ

Қўзғалар тахлип қилинмайди ва эгаларга қайтарилади. Муаллифлар ва газетонларнинг эълон қилинган мақолалари тақририят нугати назарини ас эттирмайди.

Газета 2005 йилнинг 27 декабрь кунини қўзғаларини ас эттирмайди.

Тақририят манзили: Қирғизистон, Ўш шаҳри, А. Мавлянов кўчаси, 60-а

Телефон: 03222 2-78-11. Электрон манзил: valley@mail@siyosat.com

Газета “Ойдин қўлш маркази” жамоатчилик жамагарасининг босмажонлиқда босилди. Бишкек шаҳри, Горький кўчаси 1-5. Тел.: 03121 55-00-00.

Дизайнер: Хурраи Болтқов. Бюджетта № 1979. Адади: 4500 нуска.

Ги Ўш шаҳар бўлимида 15-данам билан (гувоҳнома рақами ГРП 001 1157) қайта рўйхатдан ўтган. Газета маълумотларидан фойдаланишда манба қўрсатилиши шарт. Реқлама ва эълонлар матнининг аниқлиги учун тақририят масъул эмас.